

**АДАБИЁТШУНОСЛИК** — бадиий адабиёт ва унинг мазмун мохияти, ўзига хос хусусиятлари, пайдо бўлиш ва ривожланиш боскичлари, ижтимоий вазифалари, ижодий жараён қонуниятларини ўрганувчи фандир. Адабиётшунослик бир-бири билан чамбарчас боғланган — адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид бўлимларидан ташкил топган. Махмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асаридаги халқ оғзаки ижоди намуналари ҳақидаги муайян фикрлар, илмий-текстологик қайдлар адабиётшуносликка мансуб илк қарашлар саналади. Адабиётшунослик илмига оид қузатувлар ҳисобланмиш Абу Наср Форобийнинг «Шеър санъати» (X аср), Абдулқодир Журжонийнинг «Асрор ул-балогат фи илми баён (Баён илмида балогат сирлари)» (XI аср), Қайс Розийнинг «Қитоб ул-мўъжам фи маиори ул-ажам (Ажам шеърятини меъёрлари қомуси)» (XIII аср) асарларида бадиий асар табиати, тили, муаллиф маҳорати қаби масалалар ёритилади. Адабиётшунослик тарихида Замахшарий (1075-1144), XII асрда яшаган шоир ва адабиётшунос Низомий Арузий ибн Умар Самарқандий, XIV аср ижодкорлари Атоуллох Хусайний, Хондамир, Восифий асарлари муҳим ўрин эгаллайди. Миллий адабиётшунослик тараккиётида Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балогат», буюқ сўз устаси Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Холоти Пахлавон Муҳаммад», «Холоти Саййид Хасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» сингари асарларида бадиийлик санъати, ижодкор ва бадиий ижод, сўз олдида масъуллик, аруз шеърини тизимининг назарий ва амалий масалалари қаламга олинади. Шунингдек, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Муҳтасар», Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг «Аруз ҳақида рисола» асарлари ҳам ўзбек адабиётшунослигидаги муҳим манбалардир. Утмишда адабиётшунослигида шеършунослик қатта нуфузга эга бўлган, бу соҳа асосан уч йўналиш (илми аруз, илми бадеъ ва илми қофия)дан таркиб топган. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги матбаачилик тараккиёти ўзбек адабиётшунослиги учун янги имқониятлар эшигини очди. Хожи Муин, Мирмуҳсин Шермухамедов, Бехбудий, Абдул-ҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ашурли Зоҳирий ва Вадуд Махмуд қаби муаллифларнинг турли жанрга мансуб тадқиқотларида адабиёт ва унинг ижтимоий функцияси масаласига ургу берилди. Ижтимоий онгининг барча соҳаларида бўлганидек, XX аср, аниқроғи, шўролар ҳуқуқонлиги давридаги мафқуравий зугум ва ижтимоий бикиклик адабиётшунослик фанида ҳам ўз ифодасини топди. Мумтоз адабиётга муносабат, давр адабиёти намуналари талқини, адабий жараёни баҳолаш қаби масалаларда синфий ва партиявий тамойиллар етакчилиқ қилди. Шунга қарамай, XX асрда адабиётшунослик илми мустақил фан сифатида шаклланди, унинг учала бўлими — адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид соҳаларида жиддий ютуқларга эришилди: турли муаллифлар томонидан монография, дарслиқ, қўлланма ва рисолалар яратилди. Замонавий адабиётшунослик фани шаклланиши ва такомиллида Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Отажон Хошим, Вадуд Махмуд, Ойбек, Иззат Султон, Натан Маллаев, Гулом Қаримов, Озод Шарафиддинов, Матқуб Қўшжонов, Нуриддин Шуқуров, Уммат Тўйчиев, Умарали Норматов, Анвар Хожиаҳмедов, Бегали Қосимов, Бахтиёр Назаров, Баходир Саримсоқов, Нажмиддин Қомиллов, Дилмурод Қуронов сингари олимларнинг тарихий, назарий ва амалий характердаги асарлари эътирофга лойиқдир.

